

**Меҳнат шартномаларига киритиладиган коррупцияга қарши
шартларнинг тавсиявий намунаси**

Меҳнат шартномаси тарафлари қуйидигилар ҳақида келишдилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш, давлат сири, қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид бошқа маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаш, улардан ноқонуний равишда фойдаланмаслик, оммавий ахборот воситаларида ҳамда бошқа тадбирларда ахборот тақдим этишнинг белгиланган тартибларига риоя қилиш, интернет тармоғи ва ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳокимият органлари ходимининг шаъни ва кадр-қимматига путур етказмаслик
2. Қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш.
3. Хизмат вазифаларини масъулият, ташаббускорлик ва ҳолислик билан бажариш, расмийатчилик, сохтакорлик ҳамда суистеъмолчиликка йўл қўймаслик, хизмат фаолият давомида қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш
4. Меҳнат ва ижро интизоми ҳамда ички тартиб қоидаларга, шунингдек, хизмат гувоҳномаларидан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилиш, шахсий ва хизмат автомшиналарини бошқаришда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш.
5. Ходим ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий ҳатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:
 - пора таклиф қилмаслик;**
 - ваъда бермаслик;**
 - пул тўламаслик, товламачилик қилмаслик;**
 - бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик;**
 - пора олмаслик;**
 - бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон-бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик;**
 - мол-мулк ёки мулкрий ҳуқуқларни олмаслик;**
 - ўз ваколатларини суистеъмол қилмаслик мажбуриятини олади.**
6. Ходим атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳуқ-атвордан ўзини тийиши шарт.

7. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Навоий вилояти ҳокимлигининг ички ҳужжатларига мувофиқ **манфаатлар тўқнашуви** келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан **дарҳол** иш берувчини ёки унинг ўрнини босадиган шахсларни **хабардор қилиши шарт**.

8. Ходимлар орасида шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, хизмат мажбуриятларидан четга чиққан ҳолда бошқа ходимларнинг профессионал иш фаолиятига аралашиш, маълумот сўраш ҳамда қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш ҳолатлари юзага келганда Навоий вилояти ҳокимлигининг 22.10.2022 йилдаги 205-5-0-Q/22-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори ижроси тўғрисида”ги қарори ҳамда 30.11.2022 йилдаги “Вилоят туман, шаҳар ҳокимликларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 235-5-0-Q/22-сонли қарори талабларига мувофиқ дарҳол қуйидаги алоқа каналлари орқали:

“79-523-13-42” ишонч телефони;

Телеграм канали https://t.me/nurotauз_official

Веб сайм; <https://www.nur-ota.uz/uz> электрон манзилига хабар қилиши лозим.

9. Агар ходим Навоий вилояти ҳокимлигининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва содир этилиши режалаштириладиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги **фактларни аниқласа**, у ушбу маълумотни **алоқа каналлари орқали** Навоий вилояти ҳокимлигининг Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбасига **такдим этиши шарт**.

10. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси (ташкilot номи) ички ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши талабларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ **жавобгарликка тортилади**.

Томонларнинг манзиллари ва имзолари:

Ходим:



Иш берувчи:

